

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11627767>

Алиев Бекдавлат

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

[Jahangirbayaliev1972@gmail.com](mailto:Jahangirbayaliev1972@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этиши ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриши йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиши ҳамда ҳар томонлама камол топтириши мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларда бош омил қилиб олинаётгани бунинг ёрқин мисolidир. Инсонлар учун яратилганган замонавий шарт-шароитлар, миллий дизайн кўринишидаги бинолар, майдонлар, хиёбонлар ва кўчалар барчанинг диққат-эътиборида бўлмоқда. Мазкур жараёнларни амалга оширишида ҳар бир фуқаронинг жамиятдаги масъуллигини янада ошириши, миллий қадрият ва анъаналарга мос фуқаролик жамиятини барпо этишининг даврнинг талабига айланди. Халқнинг руҳиятида мамлакатнинг эртанги кунига ишонч кундан-кунга ошиб, одамлар фалсафий тафаккур тарзи ўзгарди. Ижтимоий ҳимояга асосланган маънавий муҳит барқарорлашиб, нодавлат ташкилотларининг ролини кучайтириши борасида изчил фаолият йўлга қўйилди. Янги Ўзбекистоннинг ёш авлодини ҳар томонлама камил инсон қилиб тарбиялашда фуқаролик жамияти институтларининг ролига илмий-амалий ёндашув шаклланиб, ҳудудларда халқнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришни кўзда тушган ишлаб чиқариши, саноат, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик каби кластерларнинг ташкил этилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Бу эса, одамларда фуқаролик жамияти сари илдам қадам ташлаш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

**Калит сўзлар:** “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, Ҳаракатлар стратегияси, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси, фуқаролик жамияти, халқ манфаатлари, қадрият, маънавият, инсон қадр, жамият, ахлоқ, соғлом турмуш, ёшлар, сиёсат, Ренессанс.

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

**Алиев Бекдавлат**

Ташкентский государственный экономический университет  
доктор философских наук, профессор

### АННОТАЦИЯ

*В новом Узбекистане реализуются масштабные реформы с целью создания свободного гражданского общества и построения гуманного демократического правового государства. Основная цель этих реформ – прославление человеческого достоинства, обеспечение его прав и интересов, их социальная защита. Ярким примером этого является то, что прославление человека, выражение его прав и законных интересов, всестороннее развитие принимаются в качестве главного фактора всех реформ, реализуемых в нашей стране. Современные условия, созданные для людей, зданий, площадей, проспектов и улиц в форме национального дизайна, привлекают всеобщее внимание. Повышение ответственности каждого гражданина общества в реализации этих процессов, построение гражданского общества в соответствии с национальными ценностями и традициями стало требованием времени. Уверенность в будущем страны в психике народа возрастает с каждым днем, меняется философский образ мышления людей. Нравственная среда, основанная на социальной защите, стабилизировалась, началась последовательная работа по усилению роли неправительственных организаций. Сформирован научно-практический подход к роли институтов гражданского общества в воспитании молодого поколения нового Узбекистана совершенными людьми во всех аспектах, а также организация таких кластеров, как производство, промышленность, сельское хозяйство, земледелие, животноводство, направленных на реализацию чаяний людей в регионах, начало приносить свой положительный эффект. Это открыло перед людьми широкие возможности сделать шаг к гражданскому обществу.*

**Ключевые слова:** «Всеобщая декларация прав человека», Стратегия действий, Стратегия развития нового Узбекистана, гражданское общество, интересы народа, ценности, духовность, человеческие ценности, общество, этика, здоровый образ жизни, молодежь, политика.

## SOCIO-PHILOSOPHICAL ISSUES IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN THE NEW UZBEKISTAN

**Aliyev Bekdavlat**

Tashkent State Economic University

Doctor of Philosophy, Professor

### ANNOTATION

*In the new Uzbekistan, large-scale reforms are being implemented with the aim of creating a free civil society and building a humane democratic legal state. The main goal of these reforms is to glorify human dignity, ensure their rights and interests, and their social protection. A striking example of this is that the glorification of man, the expression of his rights and legitimate interests, and comprehensive development are accepted as the main factors in all reforms implemented in our country. Modern conditions created for people, buildings, squares, avenues, and streets in the form of national design attract everyone's attention. Increasing the responsibility of every citizen of society in the implementation of these processes, building a civil society in accordance with national values and traditions has become a requirement of the time. Confidence in the future of the country in the psyche of the people is growing every day, the philosophical way of thinking of people is changing. The moral environment based on social protection has stabilized, and consistent work has begun to strengthen the role of non-governmental organizations. A scientific and practical approach to the role of civil society institutions in educating the young generation of the new Uzbekistan as perfect people in all aspects has been formed, as well as the organization of such clusters as production, industry, agriculture, farming, livestock farming, aimed at realizing the aspirations of people in the regions, the beginning bring its positive effect. This opened up vast opportunities for people to take a step towards civil society.*

**Key words:** “Universal Declaration of Human Rights”, Action Strategy, Development Strategy of a new Uzbekistan, civil society, interests of the people, values, spirituality, human values, society, ethics, healthy lifestyle, youth, politics.

### КИРИШ

Фуқаролик жамиятнинг ривожланиб бориши ҳаётдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, янги маънавий муҳит ва жараёнларга асос солишда муҳит ҳамият ксб этади. Унинг ғояларини одамлар онги ва қалбига сингдириш лозим. Шу орқали улуғ ғоялар оддий одамлар онги ва қалбидан жой олмагунича бу ғояларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти ва

аҳамияти ер қаъридаги олтин заҳиралар тарзида ётаверади. Ғоялар, идеаллар ва мақсадларга нисбатан одамларнинг муносабати бу ғоялар, идеаллар ва мақсадларнинг ҳаётийлиги ва амалий аҳамиятини белгилайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш энг долзарб вазифаларимиз сирасига киради” [1. 70]. Демак, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат бошқарувида иштирок этаётган барча ташкилотларнинг бирлашиши муҳим омил саналади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Янги Ўзбекистонда кенг кўламда сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларда ислоҳотларни авж олдириб юборган экан, бу ислоҳотлар негизини уч минг йиллик давлатчилик тарихимиз, маънавий меросимиз ва миллий менталитетимиз хусусиятларини асос қилиб олди ва уни оғишмай амалга ошира бошлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар кенг ёритиб берилмоқда.

“Маънавий соҳаларда ҳам ислоҳотларни олиб бориш, ана шу мақсад йўлида таълим ва маданият соҳаларида, ақлий ва маънавий салоҳиятларни мустаҳкамлаш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда” [2]. Жаҳоннинг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятнинг энг яхши намуналарини халқимиз қалбига сингдира оладиган янги авлодни қуқароилк жамияти талаблари даражасида тарбиялашга кенг йўл очилди. Давлат бошқарувининг замонавий усуллари асосида миллий ва умуминсонийлик халқнинг руҳиятига сингдирила бошланди ва одамлардаги фалсафий мушоҳада янгича кўринишга эга бўла бошлади.

### **НАТИЖАЛАР**

Халқнинг фуқаролик жамиятини қўлаб-қувватлаши натижасида маънавий-руҳий тикланиш барча соҳаларнинг ижтимоий негизини ташкил этишининг асослари яратилиб бўлар қуйидаги натижа ва вазифалар билан белгиланди:

- халқнинг фуқаролик жамиятига ишончини маънавият ва маданият орқали сингдириш, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланганлигини

янада тараққий эттириш йўлида айнан олганда юмшоқ кучларни ўзида ифода этувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;

- жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз меросининг теранлиги ва чуқурлигини англаш, ҳар бир авлоднинг ўз миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланиш фуқаролик жамияти заруриятини англаб етган ҳолда халқимизнинг миллий ўзлигини англаш асосида ҳаётбахш заминга айланди;

- янги Ўзбекистон ислохотлари натижасида одамларнинг фалсафий дунёқарашида сифат ўзгаришлари рўй бера бошлади;

- халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин ўчоғи бўлган энг олижаноб маънодаги маҳалла, кўни-кўшничилик, ўзаро ҳамдардлик аҳамиятини кўпроқ кадрлай бошланди;

- фуқаролик жамиятига монанд ҳолда ёш авлодни жисмоний ва маънавий-руҳий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш давлат ва жамиятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди;

- халқнинг руҳиятида жуда катта аҳамият касб этувчи тадбиркорлик, ташаббус, ҳалол мусобақа ва рақобат сингари фазилатлар таркиб топди;

- фуқаролик жамияти асосида умумбашарий қадриятларга интилиш билан бирга ҳаётимизда Шарқ фалсафаси муносиб ўрин эгаллади ва халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла бошлади;

- мустақиллик мафқураси, миллий ғоя тамойиллари халқимиз дунёқарашини белгиловчи маънавий куч-қудратга айланиб бормоқда[3. 84].

Бундай натижалар халқимизнинг аждодлар меросини ўзлаштирган, замонавий цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлган, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлгандагина юксаклик ва улуғворлик касб этади. Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида қонунларнинг ишлаб чиқилиши масаласи ҳам бевосита фуқаролик жамиятининг талаблари билан узвий ҳолда амалга оширила бошланди. “Ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича жойларда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шундан сўнг 400 дан зиёд қонун лойиҳасидаги мингга яқин қоидалар фуқароларимиз билдирган таклифлар асосида такомиллаштирилди. Мисол учун, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди”[4. 60].

Буларнинг барчаси юртимиздаги ислохотларнинг яхши самар бераётганлигинидан далолат бермоқда. Шу боисдан ижтимоий ҳаётга онгли муносабатда бўладиган, мустақиллик ғоялари ва мақсадларидан фахрланадиган инсон турмуши ва фаолиятида эстетик завқ, улуғвор туйғулар шаклланади ва тараққий этади. “Шунинг учун фуқаролик жамияти орқали халқимизда ҳақиқий



ватанпарварлик, инсонпарварлик, ота-она ва ҳамюртларига меҳр-оқибат, халқ идеалларига содиқлик тамойиллари асосида фаолият олиб бориш кўзда тутилди”[5].

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширила бошланган экан, фуқаролик жамияти институтлари томонидан маънавий ахлоқий кадриятлар ҳам унутилгани йўқ. Аксинча уларга эътибор янада кучайди. Бу жараён учта асосий вазифани уйғун олиб боришда кўринди: халқимизни маънавий уйғотиш, маънавий покланиш ва маънавий юксалиш ҳаракатлари билан чамбарчас ҳолда олиб борилди. “Халқимизни ўз тарихи, кадриятлари ва маданиятига бўлган муносабатини ўнгламасдан, унинг онгидаги ва ўз тарихига, маънавий меросига бўлган эскича қарашлардан покланмасдан маънавий-руҳий жиҳатдан юксалиб бўлмайди”[6]. Бу жуда нозик соҳа бўлган маънавиятни бир дақиқа ҳам унутиб бўлмайди. Шунинг учун таълим, маданият, санъат, матбуот ва ноширлик фаолияти соҳалари бўйича қатор фармонлар қабул қилинди, улкан амалий ишлар бажарилди. Янги Ўзбекистонда ахлоқий тарбия маънавий ислоҳотлар марказида бўлиб, ахлоқ инсонни фуқаролик жамиятидаги ўрнини, миллат маънавий кўзгусидаги хуснини, ижодий муносабатлар мезонини белгилайди. Чинакам ахлоқ инсонни Ватан, халқ ва инсониятни беминнат севишга чорлар экан, одамни тор ва шахсий манфаатпарастлик ҳиссиётларидан фориғ этар экан, бу деган сўз ахлоқий камолот маданият билан, маданият ахлоқий комилликка олиб келишидан дарак беради.

Бинобарин, соғлом турмуш асосида ёш авлод тарбияси фақат жисмоний жиҳатдан чиниққан, камол топган ёшларнигина эмас, шунингдек, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий маънавий кадриятлар асосида тарбия топган инсонни кўзда тутмоғи лозим. Демак, янги Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон қадрини учун йўналтирилган маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустаҳкам пойдеворини куришга қаратилмоқда. Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган эркин демократик давлат қоида ва талабларини халқимизнинг маънавий-ахлоқий кадриятлари билан уйғун бирлаштириш маънавий ислоҳотларнинг белгиловчи тамойилига айланди.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эга эканлигимизга, халқнинг қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига боғлиқ экан, миллий тикланиш ва маънавий юксалиш ғояси фуқаролик жамиятида муҳим вазифа сифатида идрок этилди. Ана шу мақсадда амалга оширилган таълим тизимидаги ислоҳотлар ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишини, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини кўзда тутди. Янги Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий

соҳаларда олиб борилаётган ислохотларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидаги улкан натижалар кўзга ташланади: миллий маънавият, шарқона ахлоқнинг тикланиши ва мустаҳкамланишига барча шарт-шароитлар яратилди.

Халқимизни узоқ тарихий тараққиёт йўлида тўплаган маънавий, ахлоқий ва эстетик маданиятининг нодир тамойиллари идрок этилди, ажойиб миллий анъаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига ўзининг безавол ҳиссаларини кўшган аجدодларимиз меросини асраш-авайлаш эҳтиёжи кучайди. Бу нарса халқнинг тарихий хотирасини уйғотди ва ёшларимизда ўз халқи, тарихи ва маданиятидан фахрланиш туйғусини камол топтирди. Инкор этилган ёхуд қайтадан қилинган алломаларимизнинг диний ва дунёвий илми, санъати, маънавияти халққа қайтарилди, шарафли номлари тикланди. Учинчи Ренессанснинг пойдеворига тамал тоши қўйилди. Буларнинг барчаси маънавий ахлоқий тарбияда ҳам жуда катта аҳамият касб этиб, тарих ва тарихий хотирани тиклаш ахлоқий-эстетик тарбия ва маънавий ибрат манбаига айланди.

## МУҲОКАМА

Фуқаролик жамияти негизида ижтимоий-маънавий ислохотлар халқнинг ахлоқий тасаввур ва тушунчаларига таъсир этиш билан баробар уларнинг янгича фалсафий тафаккури ва маданияти шаклланишига олиб келди. Чунки инсон тафаккури маънавий қадриятлар аккумулятори сифатида инсон руҳиятининг яхлит, бар бутун тарзда тараққий этишига асос бўлади. Шу тариқа маънавийлик ва маърифийликни бирлаштирувчи ахлоқий-эстетик маданият шаклланади ва ривож топади. Демак, ахлоқий тарбия ҳам, эстетик маданиятнинг ҳам негизида инсоннинг маънавият ва маърифат билан нечоғлик яқинлигига ва уларни ўз онги ва шуурининг мулкига айлантирганига боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ахлоқий тарбия билан узвий бирлиги шунда кўринадика, бу иккала омил бирлиги инсон қадрини юксак маънавият ва чинакам маърифат сари, маданий савия ва инсоний комилликка олиб боради. Шунинг учун ахлоқий тарбия бўлмаган жойда соҳлом турмуш юксалмагандай, аксинча, хунуклик аломатлари куртак отганидай, маданиятсиз ахлоқий тарбия ҳам кемтик ва жозибасиз, нурсиз бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан ‘жамиятда аёлларни нафосат ва гўзаллик, меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида таърифланиши ахлоқий тарбиянинг эстетик маданиятга эришишдаги асосий омил эканлигига, ахлоқий камолотни тақозо этишига ёрқин мисолдир”[7].

Барча ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ислохотларимизнинг пировард натижаси бугунги авлодни эртанги кун учун, мамлакатимиз истиқболига жавобгар ва масъул қилиб тарбиялашдир. Ана шундагина янги Ўзбекистон ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати,

баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшайдиган мамлакатга айланади. Бу деган сўз ахлоқий ва эстетик маданият муштараклиги баркамол авлод тарбиясининг мезони демакдир. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган фуқаролик жамиятининг ислохотларида ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси бирлигидан кўзланган асосий мақсад ўз даври ва замони, ижтимоий эҳтиёжидан келиб чиқадиган ва шунга жавоб берадиган, янгича фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишдир.

## ХУЛОСА

Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, унинг ижтимоий-фалсафий масалаларига доир фаолиятда қуйидаги хулосаларга келинди: биринчидан, фуқаролик жамиятида соғлом турмуш ислохотларини кучайтириш, иккинчидан, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни жаҳон стандартларига мослаштириш, учинчидан, миллий ғояни фуқаролар фалсафий дунёқарашига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бунда фуқаролар сиёсий ҳаётни, мамлакатимиз келажagini янгича тушуниб, амалга оширилаётган демократик ислохотлар механизмнинг бошқарувчиси бўлмоқлари назарда тутилади. “Фуқароларда миллат тақдирини, Ватан истиқболини белгиловчи вазифаларга ишонч бўлса, бу вазифаларни амалга ошириш учун улар астойдил меҳнат қилсалар ва бу меҳнат натижалари янгича тафаккур ва шарқона ахлоқ одоб ва эстетик маданият билан йўғрилган бўлса баркамол авлод тарбияси тўғри амалга оширилаётгани кўринади”[8].

Ана шу маънода фуқароларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш эстетик маданиятга эришиш омили экан, эстетик маданият ҳам, ўз навбатида ахлоқий фазилатлар камолотини тақозо этади.

Бинобарин, инсон фазилатларининг гармоник тараққиёти, унда биринчи ўринда маънавий-ахлоқий, маърифий ва эстетик жиҳатлар муҳит, фаолият ва муносабатларни инсонийлашувида катта аҳамият касб этади. Маънавийахлоқий жиҳатдан камол топган шахс демократик неъматларни истеъмолчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Умуман олганда фуқаролик жамиятида халқни, айниқса, ёшларни ахлоқан тарбиялаш ва эстетик маданиятини олижаноб ҳис-туйғулар билан камол топтириб бориш маънавий баркамолликка эришишдаги биринчи қадам сифатида жамиятда хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: О‘zbekiston, 2021. – 464 б.



2. Kholikov, Y. O. (2021). Issues of education of youth on the ethical basis of international culture and tolerance at the age of globalization. *Philosophical Readings XIII.4*, 1917-1922.
3. G‘aybullaev, O. M. (2017). Some aspects and historical factors of integration processes in sphere of globalization of the ecological policy. *Theoretical & Applied Science*, (4), 83-86.
4. Миризёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020.- 456 б.
5. Улуғмуродов, Э. С. (2020). Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири, “Oriental Art and Cultur” *Scientific-Methodical Journal - (SI) II/ 2020*.
6. Xoliqov, Y. O. (2021). Millatlararo bag‘rikenglik madaniyati insonparvarlik va tinchlikning asosiy tamoyili sifatida. *Eurasian journal of academic research*, 420-425. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5812886>
7. Kholikov Y. O. (2021). Ethical foundations for the development of a culture of tolerance in youth. *Philosophical Readings XIII. 4*, pp. 112-117. <https://zenodo.org/record/4751681#.YLi0HqgzaUI>
8. Muhammadievich, G. O. (2021). Philosophical fundamentals of including national values in the aesthetic culture of personality in the period of globalization. *Psychology and education*, 58(2), 6207-6213